**Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун**

**№ 02/22- сонли шартнома**

Наманган шаҳри «23» май 2022 йил

**Наманган шаҳар 1-сонли ДИМИ** келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан раҳбари **А.Қўзиев** бир томондан **«GRAND SANOAT LOYIHA» МЧЖ** кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар **И.Жураев** иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома тузди лар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 **Наманган шаҳар 1-сонли ДИМИ ташки деворларни қайта куриш, ўқув биноси ташки қисмини ва ички йўлларни жорий** таъмирлаш ишлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топширик бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни кабул килиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-коидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофик;
- асослантирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофик;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофик белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги конунчилик ҳужжатларига мувофик равишда кабул килиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

**2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топширик ва келишилган график асосида ўз вактида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга оширишни шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан кайтадан бажариш мажбуриятини олади.

## 3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1.Қуйидаги шартларнинг тўлик амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси билан 2 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни кабул килмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор

килиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш максадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чикиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро ҳисоб-китоб килиш вақти ҳисобланади.

## 4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси 22 500 000 ҚҚС билан (йигирма икки миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов инвестиция дастури ва кайси маблағлар ҳисобидан аникланиб ва шу бюджет хисоб раками очилгандан кейин, объектнинг хисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлартомонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар киймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1.Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофик, шунингдек шахарсозлик нормалари ва коидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун курилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиклангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аникланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чикади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиккан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда ва иктисодий судга мурожаат килишга хаклидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хаки кечиктирилган хар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбириятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор килингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор килиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлик хисоб-китоб килинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошка

тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

**«БУЮРТМАЧИ»**

**Наманган шахар 1-сонли ДИМИ**
Манзил: Сохибкор МФЙ М.Эгамбердиев кўчаси 1-уй
Тел:
Ҳ/р : 40172286014401709230007500З
**Бюжетдан маблағ олувчи СТИРи: 200057058**
ОКОН:
Ғазначилик бўлинмаси номи: Наманган вилоят бўйича
Ғазначилик бошқармаси
Ягона ғазна ҳ/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк ББХККМ МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

**Рахбари** __________ **А.Қўзиев**

**«ИШ БАЖАРУВЧИ»**

«БУЮРТМАЧИ»
«GRAND SANOAT LOYIHA» МЧЖ
Манзил: Наманган вилояти, Чортоқ тумани, А. Навоий М.Ф.Й, Истиқлол кўчаси 24-уй
"Агро банк" АТБ Чортоқ филиали
Х/р: 20208000805116411001
МФО: 00256, ОКОНХ:
Таъминловчи индентификация рақами СТИРи: 306674415

**Директор** __________ **И.Жураев**

**Юрист:** __________ **М.Абдуллаев**

Юрист [signature] М. Абдуллаев

2400496

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GRAND SANOAT LOYIHA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GRAND SANOAT LOYIHA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.08.2019 756400 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306674415

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Chortoq tumani, Chortoq, A.Navoiy MFY, Istiqlol ko'chasi, 24-uy,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 83671 на приобретение Ўқув биноси ташқи қисмини, ички йулларни жорий тамирлаш ва ташқи деворларни қайта қуриш ишлари учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва "Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУКдан экспертизадан ўтк**

Способ проведения электронный

Дата 19.05.2022

Время рассмотрения 19.05.2022 17:54

Конкурсная комиссия Наманган шахар 1-сонли Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KUZIYEV ABDUMALIK ABDUKAYUMOVICH | Директор | Лойиха сметаси учун ғолиб аниқлаш грухи |
| **Секретарь комиссии** | TO'RAXONOV AZAMAT SAYITXONOVICH | Ўқитувчи | Комиссия котиби |
| **Член комиссии** | MARUPOV MURODXUJA KARIMJONOVICH | Ўқитувчи | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | INAKOVA MUNIRA QODIRJANOVNA | ЎИБДЎ | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | ABDURAXMONOV ABDULLA ABDURASHIDOVICH | ММИБДЎ | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | NAZIMOV LATIF TURGUNBAYEVICH | Ўқитувчи | Комиссия аъзоси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.05.2022 года № лота 83671.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
|---|---|
| Подробное описание | Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-сонли Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатини ташқи деворларини қайта қуриш, ички йулларни асфалтлаш ва ўқув биносини ташқи қисмини жорий таъмирлаш ишлари лойха хужжатларини тайёрлаш ва "Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" Давлат унитар корхонасидан экспертизадан ўтказиб бериш шарти билан. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 23 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 23 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Хизматларни ўз вақтида белгиланган муддатда етказиб бериш

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиха сметени уз вақтида тайёрлаш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO PROJECTS-ENERGY** | 20 | 22950000 | 5 | Экспертная | | |
| **GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ** | 20 | 22500000 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ** | 23 000 000.00 | 22 500 000.00 | 19.05.2022 15:42:54 | 50.00 |
| **OOO PROJECTS-ENERGY** | 23 000 000.00 | 22 950 000.00 | 19.05.2022 15:25:04 | 49.02 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ** | 50 | 50 | 100 |
| **OOO PROJECTS-ENERGY** | 12.5 | 49.02 | 61.52 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 83671 от 19.05.2022 года на приобретение Ўқув биноси ташқи қисмини, ички йулларни жорий тамирлаш ва ташқи деворларни қайта қуриш ишлари учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва "Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУКдан экспертизадан ўтк определила победителем:

GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ
306674415

и резервный исполнитель: OOO PROJECTS-ENERGY (308266114)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KUZIYEV ABDUMALIK ABDUKAYUMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MARUPOV MURODXUJA KARIMJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | INAKOVA MUNIRA QODIRJANOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDURAXMONOV ABDULLA ABDURASHIDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NAZIMOV LATIF TURGUNBAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП